



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
Қ А Р О Р И

№ 996

20 22 й. " 24 " сентябрь

№ 21/8

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши
курашишга оид ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги” қонунларида белгиланган коррупцияга қарши курашишга оид талабларини амалга ошириш ҳамда Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида, Марказий банк бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги Низом 2-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш тўғрисидаги Низом 3-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш тўғрисидаги Йўриқнома 4-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларни этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома 5-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида контрагентларни ўрганишга оид Йўриқнома 6-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти 7-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувларини ўтказиш Регламенти 8-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти 9-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. **Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Қуваталиев)** Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларни амалиётга татбиқ этилишини ҳамда уларнинг самарадорлиги мониторинг қилиб борилишини таъминласин.

3. **Кадрлар билан ишлаш департаменти (В.Хамроқулов)** ҳамда **Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Қуваталиев)** мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, бир ой муддатда барча ходимларни Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички меъёрий ҳужжатлари талаблари билан таништиради, ўқув семинарларини ташкил этилишини таъминласин.

4. Марказий банк Бошқарувининг 2001 йил 23 июндаги 14/12-сонли қарори билан тасдиқланган “Марказий банк тизимида Хизмат текширувлари ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 26 декабрдаги 28/24-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” ўз кучини йўқотган ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раиси ўринбосари Б.Ю. Абубакиров зиммасига юклатилсин.

Марказий банк раиси



М.Б. Нурмуратов

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг
2022 йил “24” сентябрдаги
21/8 - сонли қарорига
5 – илова
№ 996

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимидаги ходимларнинг
этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини
ташқил қилиш тўғрисидаги**

ЙЎРИҚНОМА

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг марказий апарати, ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотларда (кейинги ўринларда - Марказий банк тизими) ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитилишини ташқил қилиш бўйича тавсия ва қўлланмаларни белгилаб беради.

2. Йўриқнома талаблари коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат қиладиган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказий банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

3. Марказий банк тизими ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш (кейинги ўринларда - ўқитиш) дастурлари ва материаллари қонунчилик ва ушбу Йўриқномага мувофиқ ишлаб чиқилади.

4. Ушбу Йўриқномада “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати”да белгиланган атамалар ҳамда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

Антикоррупциявий этика - бу шахс ёки бир гуруҳ одамларнинг хулқ-атворини тартибга солувчи ва ижобий ёки салбий баҳоларни белгилайдиган ахлоқий тамойиллар ҳамда қадриятлар тўпламини ўз ичига олган шахс ёки бир гуруҳ одамларнинг ахлоқий хулқ-атвори нормалари тизими, уларнинг коррупция кўринишлари билан боғлиқ фикрлари ва ҳаракатлари.

2-боб. Ўқитишнинг асосий тамойиллари

5. Ходимларни ўқитиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

холислик ва илмийлик - ўқув материалларни тайёрлашда қонунчилик талаблари, халқаро стандартлар, этика ҳамда коррупцияга қарши курашиш назарияси ва амалиётига доир илмий тадқиқотлар натижаларига асосланилади;

амалий жиҳатдан қулайлик - ходимларни ўқитиш шакллари, усуллари ва материаллари амалий аҳамиятга эга бўлиши, реал вазиятларга асосланиши, шунингдек ходимлар томонидан олинган билимларни тушуниш даражаси ва уларни аниқ амалий вазифаларни ҳал этишда қўллаш имкониятини назорат қилинишини ўз ичига олиши лозим;

кетма-кетлилик ва тизимлилик - ўқув материаллари, шунингдек ходимларни ўқитиш тартиби тузилмавий-манتيкий тизимини ифодалаб, умумий тушунчалар ва воқеликлардан, оддийдан мураккабга, бошланғичдан мукамалга ўтиш асосида амалга оширилади;

хаммабоплик - ўқув материаллари ходимларнинг жорий билимлари ва кўникмаларини ҳисобга олиб барча учун тушунарли бўлиши керак;

дифференциаланган ёндашув - ўқитиш функциялар ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатар натижаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

3-боб. Ўқитишнинг устувор вазифалари

6. Ўқитиш шакллари ва усуллари аниқлаш, шунингдек ўқув материалларини шакллантиришда ходимларни ўқитиш учун масъул шахслар қуйидаги устувор вазифаларга таяниши лозим:

коррупциянинг моҳияти, сабаблари, ижтимоий жиҳатдан хавфли ва зарарли оқибатлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш;

ходимларни коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонунчилик ва ички тартиб-таомиллари билан таништириш;

коррупциявий хавф-хатарларни келиб чиқишига хизмат қилувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш қобилиятини шакллантириш, Одоб-ахлоқ қоидалари бузилишига нисбатан тоқатсизликни намоён этиш.

4-боб. Ўқитишни ташкил этиш

7. Молиявий саводхонликни ошириш ва банк мутахассисларини қайта тайёрлаш департаменти ҳамда Кадрлар билан ишлаш департаменти ўқитиш режаларини тайёрлаш, тегишли ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек ўқитишни мониторинг ва назорат қилиш учун масъулдир.

8. Ички назорат тузилмаси ходимларни ўқитиш режаларини тайёрлашда иштирок этади, коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ўқув материалларни ишлаб чиқади, ўқитиш ўтказилишини мувофиқлаштиради.

9. Ўқитишга тажрибага эга халқаро ёки маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқув материалларини тайёрлаш ҳамда ўқитишни амалга ошириш учун учинчи шахслар жалб қилиниши мумкин.

5-боб. Ўқитиш турлари ва шакллари

11. Ўқитиш қуйидаги ўқув дастурларини кўзда тутиши лозим:

коррупцияга қарши курашишга қаратилган дастур;

этика ва хулқ-атвор қоидаларини тарғиб этишга оид дастур;

алоҳида лавозимлар, фаолият йўналиши учун мўлжалланган дастур;

ички назорат тузилмаси учун махсус дастур.

12. Коррупцияга қарши курашишга қаратилган ҳамда этика ва хулқ-атвор қоидаларини тарғиб этишга оид дастур бўйича ўқиш барча ходимлар учун мажбурий ҳисобланади.

13. Ўқитиш дастурлари амалий йўналтирилган ҳамда қуйидаги билимларни қамраб олиши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш қонунчилиги, Марказий банкда ўрнатилган таъқиқлар, чекловлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, хизмат хулқ-атворида қўйилган талаблар бузилганда, коррупциявий ҳуқуқбузаарликлар аниқланганда ҳаракатлар кетма-кетлигига доир талаблар мазмун-моҳияти;

коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидаларига оид тартиб-қоидалар юзасидан ҳуқуқни қўллаш амалиёти;

олинган билимларни қўллаш кўникмалари, шу жумладан коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қобилияти, коррупцияга қарши кураш борасида чоратадбирларни амалиётда қўллаш кўникмаси.

14. Ходимлар ўқитиш натижалари бўйича ўтилган материалларни қанчалик ўзлаштиргани ва тушунгани ҳамда олинган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллаш имкониятини текширишга қаратилган синовлар орқали баҳоланади.

Ходимларни синовдан ўтказиш Ички назорат тузилмаси ва кадрлар билан ишлаш бўлинмаси билан биргаликда амалга оширади.

15. Алоҳида лавозимлар, фаолият йўналиши учун мўлжалланган дастур бўйича ўқитиш мажбурий ўқитиш дастурларига қўшимча равишда ўтказилади.

16. Алоҳида лавозимлар, фаолият йўналишларининг рўйхати коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб шакллантирилади.

17. Алоҳида лавозимлар, фаолият йўналиши учун мўлжалланган дастур қуйидагиларни қамраб олиши керак:

алоҳида функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш усуллари;

алоҳида функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциянинг намоён бўлиш шакллари ва турлари;

учинчи шахслар билан ўзаро алоқа қилишда алоҳида функция ва тартиб-таомилларга хос бўлган коррупцияга қарши курашиш талаблар.

18. Ички назорат тузилмаси ходимларни махсус ўқитиш малака ошириш шаклида (семинар, тренинг ва бошқа) экспертларни жалб қилиш, шунингдек бундай ўқитишларга ихтисослашган ваколатли ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган тренингларда иштирок этиш йўли билан ўтказилиши мумкин.

19. Махсус ўқитиш коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчиликдаги ўзгаришлар, коррупцияга қарши тизимларни шакллантириш ва давлат органларида коррупциянинг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш борасидаги илғор халқаро методикаларни ўрганишни ўз ичига олиши мумкин.

6-боб. Ўқитиш муддатлари ва даврийлиги

20. Ўқитиш ходимларни корпоратив ўқитиш ва компетенцияларни ривожлантириш доирасида, шунингдек бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этиладиган конференциялар, семинарлар ва бошқа турдаги йиғилишлар вақтида ҳам амалга оширилиши мумкин.

21. Марказий банк тизими ходимлари этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида йилига камида бир марта ўқитилади.

7-боб. Якуний қоидалар

22. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказий банкнинг ички ҳужжатларига ўзгаришлар киритилганда ҳамда ўқитишларни ташкил этиш борасида амалиётдаги ўзгаришлардан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқилади.

Департамент директори



Ш. Қуваталиев